



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/2-сон



<b>Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li Qilichov</b> Islomiy banklar, insonlarning moliyaviy xavfsizligini ta‘minlashdagi ahamiyati	152
<b>Zarif Oripovich Axrorov</b> Foyda solig‘i vositasida iqtisodiyotni tartibga solish	156
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Аскар Хайдарович Джумаев</b> Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобини синергетик самарасини ошириш масалалари	163
<b>То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev</b> Qurilish korxonalarida ko‘rsatilgan qurilish xizmatlari bo‘yicha xarajatlar hisobi hamda tahlili	167
<b>Jahongir Ahmadjon o‘g‘li Sagdullayev</b> Yoshlar jinoyatchiligini oldini olish metodikasi tahlili	171
<b>Шараф Урокбоевич Ташматов</b> Интернет савдо хизматларига талабни шакллантирувчи омиллар таҳлили	175
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Саидахроп Гуломов, Мамаюнус Пардаев, Севара Бабаназарова, Хилола Очилова</b> Янги Ўзбекистонда таълим, тарбия ва ақлий меҳнатнинг уйғунлигини таъминлаш	178
<b>Дилбар Хасановна Асланова, Вазира Саидмуродовна Узакова</b> Совершенствования организационно-экономического механизма подготовки конкурентоспособных специалистов с высшим образованием на рынке труда	184
<b>Quvvat Haqnazarovich Aliqulov</b> Oila va badiiy madaniyatni yangi avlod kadrlarini tayyorlashdagi falsafiy jihatlarini	189
<b>Фарангис Азамовна Ишанкулова</b> Олий таълим муассасаси имижини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	192
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Бахтли ва комил инсон формуласи. Ҳалол йўл билан топилган маблағ – ўзингизники	197

## ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

### БАХТЛИ ВА КОМИЛ ИНСОН ФОРМУЛАСИ

Бахтга эришиш учун инсон соғлом (Со) ва хотиржам (Хо) бўлиши керак. Хотиржам бўлиши учун ўзига муносиб, бир-бирини ҳурмат қиладиган оила соҳиби ва соҳибалари бўлиб, ўзаро ишонч, бир-бирига меҳрибон, эъзоз ва ҳурматга сазовар (Ои) ҳолда моддий жиҳатдан (Мд) ҳам, маънавий (Маъ) жиҳатдан ҳам тўлиқ таъминланган ҳолда тинчликнинг тўлиқ кафолатланган (Тко) бўлишини тақозо қилади. Бунинг формуласи:

$$\text{Бах} = \text{Со} + \text{Хо} + \text{Ои} + \text{Мд} + \text{Маъ} + \text{Тко};$$

Бунда: Бах – бахтлилик даражаси;

### ИНСОННИНГ КОМИЛЛИК ДАРАЖАСИ

Комил инсон (Ки), биринчи галда бахтли бўлиб, бундай одамнинг иймони (Ий) бутун, виждони пок ҳолда (Вж) хашиша у уйғоқ бўлса, кибр (Кб) ва ҳасадлардан (Ха) холи бўлсагина бундай инсон комил инсондир (Ки). Бунинг формуласи:

$$\text{Ки} = (\text{Бах} + \text{Ий} + \text{Вж}) - (\text{Кб} + \text{Ха});$$

### ХОТИРЖАМЛИК

Бахтли инсон бўлиш учун у яшаётган ташқи муҳит ҳам хотиржамликни тўлиқ таъминлаган бўлишлиги лозим. Хотиржамликни (Хо) тўлиқ таъминлаш учун давлат мустақил (Дм) бўлиши, мустақил давлатнинг тинчлиги таъминланган (Тт), бундай тинчлик ҳукм сурган давлатда адолат (Ад) ўрнатилган бўлиши керак. Ушбу ҳолатни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Хо} = \text{Дм} + \text{Тт} + \text{Ад};$$

### КОМИЛ ИНСОННИНГ ТЎЛИҚ БАҲОСИ

Комил инсон (Китб) бахтли бўлиб ҳаётдан, давлатдан рози (Роз) ҳолда яшайди. Буларни тўлиқ англаш учун комил инсон формуласини битта тенгламада ифода этиш мумкин:

$$\text{Ки} = \text{Бах} + \text{Ки} + \text{Хо};$$

Буни батафсил ифодалаш учун ҳар бир формуланинг моҳиятини ҳам жойлаштириб чиқадиغان бўлсак, бу қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$\text{Китб} = (\text{Со} + \text{Хо} + \text{Ои} + \text{Мд} + \text{Маъ} + \text{Тко} + \text{Бах} + \text{Ий} + \text{Вж} + \text{Дм} + \text{Тт} + \text{Ад}) - (\text{Кб} + \text{Ха});$$

Ушбу формула бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ифодаланган. Ушбу расмга инсонларда учрайдиган салбий одатлардан бўлган кибр (Кб) ва ҳасадни (Ха) қўшмадик. Шу икки иллатдан холи одамларгина бахтли, хотиржам ва комил инсонлар бўлади. (Расмга қаранг).

Комил аа бахтли одамлар бу дунёда Аллоҳнинг берган неъматига рози бўлиб яшайди. Розилик бор жойда келажакка ишонч ҳосил қилинади. Буни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:



Келажакка ишонган одам Ватанига садоқат билан хизмат қилиб, самарали фаолият кўрсатади. Бу эса катта натижадорликка эришиш имконини беради. Буни қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Мана шулар тўлиқ таъминланган мамлакатда тараққиёт бўлади ва кутилган натижадорликка, хусусан Янги Ўзбекистонни барпо қилишга муносиб ҳисса қўшган ҳолда Учинчи Ренессансни шакллантириш имкониятларига ҳам эга бўлади.

**Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.**

### **Ҳалол йўл билан топилган маблағ – ўзингизники**

Бир киши ҳажга бориш ниятида боғ яратиб, деҳқончилик қилиб мева ва сазавотларни етиштириб, уларни сотиб пулини тўплабди. Маълум миқдорга етгандан кейин ҳажга отланибди. Ҳаж қилиб юрган паллада таҳоратга кириб, белида боғлаб юрган пулини ёдидан чиқариб таҳоратхонада қолдириб чиқиб кетибди.

Намозни ўқиб қараса пули йўқ. Бу таҳоратхонага минглаб инсонлар кириб-чиқаяпти, бирортаси олган бўлса керак, деган хаёл билан қайтиб бормабди. Анча вақт ўтгач ҳаждан қайтиш арафасида яна шу жойга бориб таҳорат қилишга тўғри келибди. Бир жойга яқинлашса, ҳамма у ерга бора кўрманг жуда катта илон бор, деб огоҳлантирибди. Бу илонни ҳеч ким ҳайдашнинг ҳам, ўлдиришнинг ҳам уддасидан чиқа олмаяпти, дебди.

Олдин мен бу ерда таҳорат қилганман, деб ўша жойга ўтса, ҳалиги белбоғи пули билан турган эмиш. Уни олиб белига тақиб олибди. Бошқалар ҳайрон бўлибди, қандай қилиб бу илонни белига боғлаб олди, дер эмиш. Аслида бу ўша белбоғ экан. Аллоҳ ушбу пул ҳалол меҳнат билан топилганлиги учун, бошқаларга илон қилиб кўрсатиб, ўзи сақлаб турган экан.

Қиссадан ҳисса: ҳалол топилган неъмат сувга оқмайди, ўтга куймайди, биров ўзлаштира олмайди, деган гап бежиз эмас экан.

**Нашрга тайёрловчи Мамаюнус Пардаев**

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.